ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
HOKIMI
QARORI

«05» апрель 2019 yil Урганч ш.

№ 174к Нусха №

Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5017-сонли Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2900-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 25 февралдаги 05/1-4774-сонли “Ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ белгилаш тўғрисида”ги топшириғининг ижросини таъминлаш мақсадида

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 25 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда 2019 йил 8 апрелдан бошлаб ичимлик сув хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдорлари 50 сўм, канализация хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдорлари 50 сўм/м.куб қилиб белгилансин.

3. Мазкур қарор “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталарида эълон қилинсин ва давлат ҳисобига олиш ҳамда “Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси” (lex.uz)да расмий эълон қилиш учун уч кунлик муддатда вилоят адлия бошқармасига юборилсин.

4. Вилоят ҳокимлигининг “Ахборот хизмати”га (Ш.Қарриев) мазкур қарорни вилоят ҳокимлигининг веб-сайтида жойлаштирилишини таъминлаш топширилсин.

5. Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 7 февралдаги 71к-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорати вилоят ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи А.Курьязов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Ф.Эрманов**